



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 октябр, сешанба № 163 (1380)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 октябр кунни жойларда амалга ошириладиган ислохотлар жараёни билан танишиш учун Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюрди.

Президентнинг Бухорога сафари тасаввиф оламининг буюк намояндаси Хожа Баҳоддин Нақшбанд мажмуи-ни зиёрат этишдан бошланди.

Юртбошимиз ташаббусига биноан 1993 йили Баҳоддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда нишонланган ва шу муносабат билан бу улуг зотнинг қаровисид, вайрона бўлиб ётган қадамжоси мулло янгитдан таъмирланиб, атрофида мухташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилган, кенг қўлама ободончилик ишлари амалга оширилган эди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида зиёратгоҳ янада чирой очиб, нафақат халқимизнинг, балки бутун мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Давлатимиз раҳбари Вобект туманидаги Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, пудратчилар, деҳқонлар билан самимий суҳбатлашди. Уларни ўйлан-тираётган муаммолар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан қизикди.

Президент Ислон Каримов Гиждувон тумани марказида буюк аллома - Абдуҳолик Гиждувонийнинг 900 йиллик

юбилейига тайёргарлик жараёни билан танишди. Шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Абдуҳолик Гиждувоний мақбарасидаги таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Келгуси йили Абдуҳолик Гиждувоний юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Гиждувон шаҳри янада ободонлаштириш, шаҳар марказида аллома номидаги боғ барпо этиш кўзда тутилган. Бу борадаги ишларни ўз муддатида ва сифатли бажариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Талаба ёшларнинг «Универсиада-2002» республика мусобақалари арасида «Бухоро» стадиони қайта таъмирланиб, Марказий Осиёдаги энг гўзал спорт иншоотларидан бирига айлантирилган эди. Ислон Каримов ана шу улкан спорт иншоотини кўздан кечирар экан, унинг жаҳон андозларига тўла жавоб беришини таъкидлади, бу ерда келгуси бадалар ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд эканига эътибор қаратди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотлар жараёнига бағиш-

ланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда қишлоқ хўжалиги ислохотларини янада жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, хусусан, фермер хўжаликлари учун барча шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш хусусида гап борди. Бу борадаги ишлар юзасидан маҳаллий раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Куннинг иккинчи яримида Президент Ислон Каримов Шаҳрисабз шаҳрига келди. Унинг 2700 йиллик шонли тўйига ҳозирлик кўраётган бу қадим шаҳар тарихий-меъморий обидаларга бой. Утган йили ЮНЕСКО уни Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатида киритиб, ўз муҳофазасига олди.

Ислон Каримов шаҳарнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлиб. Майдон марказида буюк саркарданнинг улугвор хайкали қад ростлаб турибди. Буюк бобоқалони-миз гўё юбилей муносабати билан шаҳарда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларига мамуният билан назар ташлаб тургандек.

Амир Темур ҳазратларининг ушбу хайкалининг барпо этишда кўп жиҳатлар ўйланган, - деди Ислон Каримов. - Аввало, у ягона сиймо, таъбир жоиз бўлса, ягона образ сифатида миллат гурурини ифода этиши лозим

эди. Бугун бу муаззам хайкал куч адолатда эканини барчага намойиш этиб турибди. У асрлар давомида мағрур қад кўтариб туриши аниқ.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, у ерда ўзига хос муҳит яратиш борасидаги фикрларини ўртага ташлади.

Шуни таъкидлаш керакки, юбилей арасида Соҳибқирон бунёд этган Оқсарой ёдгорлиги ва унинг атрофида улкан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ислон Каримов Оқсаройдек мўъжизакор ёдгорлиқни сақлаш ва авайлаб-асраш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан бири эканлигини қайд этаркан, келгусида уни нафақат тиклаш, балки жаҳонга кенг намойиш этиш лозимлигини таъкидлади.

Ислон Каримов Кўк тумани марказида бўлиб. Майдон марказида буюк саркарданнинг улугвор хайкали қад ростлаб турибди. Буюк бобоқалони-миз гўё юбилей муносабати билан бу ерда ҳам кенг қўлама таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Биз маданий меросимизни тиклаш, авлодларга етказиш учун қайғуришимиз, дунёга кўз-кўз этиш учун ҳаракат қилишимиз керак, - деди Президентимиз. - 600 йиллик сўзсиз ҳар қандай обидага ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Лекин биз бундай таъбир оқибатини бартараф этишга, аждодларимиз меросига юксак эҳтиром кўрсата

олишга қодир эканимизни намойиш қилишимиз зарур.

Президент Шайх Шамсиддин Кулол, Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини, Соҳибқирон ўзига атаб қурдирган сағанани ҳам зиёрат қилди. Уларни таъмирлаш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ва Ҳазрати Имом масжиди ёнида бир неча асрга гувоҳ бўлган улкан чинорлар қад ростлаб турибди. Ислон Каримов бу асрий чинорларнинг ҳар бирига махсус лавҳа қўйиш лозимлигини уқдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, - деди Президент, - муқаддас жойдагина дараклар шундай барқ уриб ўсади, яшнаб туради.

Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабздаги обидаларини кўздан кечиргач, Қарши шаҳрига келди. Бу ерда Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафарига Президентнинг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

(ЎЗА).

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари нихоясига етди. Унда юртимизнинг 214 нафар вакили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди.

Осиё ўйинларидаги дастлабки зафарли одимни велоспортчи Сергей Крушевский бошлаб берди. Қизиги шундаки, у Ўзбекистон жамоаси ҳисобига ilk медал - бронзани келтирган бўлса, биринчи олтин медалнинг ҳам муаллифи айнан С.Крушевский бўлди.

Пусандаги мусобақаларда гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ҳам ҳавас қилгулик натижаларга эришди. У терма жамоамизга тўртта медал тақдим этди. Айниқса, Оксананинг эркин машқдаги чиқишлари барчага манзур бўлди. Мусобақада О.Чусовитина икки марта шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилган бўлса, яна икки чиқиши кумуш медалларга лойиқ топилди.

Юнон-рум кураши беллашувларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган полвонлар орасида Алексей Чеглаков ўз вази бўйича барча рақиблари курагини ерга текказиб, биринчи ўринни эгаллади. Эркин кураш усталари Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов ҳам ўз вази тоифасида гиламга чиққан полвонлар ичида тенгсиз эканини яна бир бор исботлади.

Равиль Начаев 50 метр масофага эркин усулда сузиш мусобақасида барча рақибларидан ўзиб кетди.

Ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова Осиёнинг энг кучли ракетка усталаридан бири эканини намойиш этди. У теннис мусобақасининг финалида галаба қозониб, шохсупага қўтарилди.

Байдарка ва каноэда эшакчи эшувчиларимиз ҳам Жанубий Кореядан олтин медалсиз қайтмади. Мусобақаларда А.Ряхов байдаркада 500 метр масофага ўтказилган беллашувда рақибларини доғда қолдирди. Шунингдек, аёллар ўртасида мазкур масофага ўтказилган бахсда Т.Левина, А.Москалёва, Ю.Борзова ва Н.Пишулинадан иборат тўртликмиз марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоаси газасига энг кўп олтин медални боксчилар тўхфа этди. Пусанга борган ўнта чарм қўлоқ устасидан олтитаси финалга чиқди. Дилшод Махмудов, Уткир Хайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Рустам Саидов юксак маҳоратини намойиш қилиб, давлатимиз мадҳияси яна беш марта янграшини таъминлади. Бекзод Хидиров иккинчи ўрин билан кифояланди.

Спортнинг дзюдо, академик эшак эшиш, юнон-рум кураши, енгил атлетика, оғир атлетика, каратэ каби турларида қатнашган вакилларимиз мусобақанинг кумуш медалларига сазовор бўлди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза медалга эришди.

Хамюртларимиз Осиё чемпионатида қўлга киритган медаллар сони ва сифатини ошириб бормоқда. 1998 йили Таиланд пойтахти Бангкоқда ўтган Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 6 олтин, 22 кумуш ва 12 бронза медалига сазовор бўлганини инобатга олсак, бу галги ўйинлардаги медаллар сони ва салмоғи янада юқори бўлгани сезилади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Хатирчи туманининг Аҳмад Ерлақабов номидаги ширкат хўжалигида жойлашган Абдулхамид Чўлпон номидаги 83-ўрта мактаб жамоаси янги бинога кўчиб ўтди.

Замон талабларига тўла жавоб берадиган фан кабинетлари, компьютер хонаси, кенг ва ёруғ спорт залига эга бўлган мактаб қурилиши ва жиҳози учун 400 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 422 ўқувчига мўлжалланган таълим масканини Навоий вилоят «Қишлоққурилиш» ҳиссасдорлик жамияти қурувчилари бунёд этди.

Мазкур жамият қурувчилари Навоий шаҳридаги Санъат қасб-хўнара коллежининг 300 ўринли ётоқхонасини ҳам фойдаланишга топширди.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бу йил юртимиз боғлари ва поллизларида мўл ҳосил етиштирилди. Улар ҳозир фақат халқимиз дастурхонини безабгина қолмай, балки хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилаётган. «Ўзметасабзавотузмасанаот-холдинг» компанияси ҳар кун миқлиб тонна сара маҳсулот экспорт қилмоқда.

Компаниямиз таркибига кирувчи корхоналар томонидан шу пайтга қадар қарийб 5 миллион АҚШ доллари қийматида тенг маҳсулот экспорт қилинди, - деди компаниянинг Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Б.Саидов ЎЗА муҳбирига. - Четга асосан томат пастаси, турли хил шарбатлар, консерва, қурилган мева ҳамда полиз ва сабзавот маҳсулотлари жўнатиляпти.

Соҳага хориж инвестицияларини жалб этишга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида бежирим, чиройли идишларда қadoқлашга, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот харида мониторингини ўтказиш, айнқисса, рекламасини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

(ЎЗА).

ЎҚУВ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Андижон вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ташкил этилган ўқув марказида қизлар тикувчилик сирларини ўрганади. Машгулотларда аҳоли ўртасида талаб катта бўлган дарпардалар тикишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу уюшма фаолият йўналишларидан биридри. Лойиҳа Майнц (Германия) шаҳри хунармандлар палатаси молиявий кўмагида амалга оширилмоқда. 1995 йилда ташкил этилган уюшма 50 дан ортиқ юридик шахсни ва 10 миң нафардан ортиқ хусусий тадбиркорни бирлаштирди.

Биз мамлакатимиз ва хориждаги мулкчиликнинг турли шаклидаги қатор ташкилот ва муассасалар билан мустахкам шериклик алоқаларини ўрнатганмиз - дейди уюшма раиси Саидахон Мухитдинова.

Айниқса, германиялик ҳамкасабалар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилинмоқда. 1997 йилда Қўргонтепа тумани «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинидан йигирма нафар қиз гилам тикчиликни ўрганди. 1998 йилда 15 нафар саргарош-визажистини тайёрлади. Уларга таниқли «Велла» фирмасида таълим олган мутахассис дарс берди. Шунингдек, Германияда таъмир бўлган қандолатчи 20 нафар қизни ўзининг «ширин» касбига ўргатди.


(ЎЗА)



Куннинг ҳар дами олтинга тенг. Буни яхши англаган дала меҳнатқашлари пахта йиғим-терими суръатини кун сайин оширишмоқда. Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат хўжалигида заршуносларнинг унумли ишлаб, яхши дан олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Шу боис юқори натижаларга эришаётган чевар теримчилар сони оз эмас.

Суратларда: сўнги беш кунликда пешқадамлик қилаётган ижарачилар Рисолат Қўчқорова ва Гулзода Эргашева; қунига 150-180 килодан дур йиштираётган Фароғат Қобилова.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



1998 йилнинг 29 май кунни кечга яқин осмонни қуюқ булут қоплади. Кўп ўтмай майдалаб ёға бошлаган ёмғир кучли жалага айланди. Бунинг оқибатида электр энергияси тармоғида узиллиш рўй берди. Сув тошқини хавфи кучайиб, катта бетон канал атрофидаги хонадонлар таҳликада қолди.

Кувалик Умурдиновлар оиласи ҳам ҳар эҳтимолга қарши уйлариини тарк этдилар. Ушбу вазиятдан нияти бузуқ кимсалар фойдаланиб қолишиди. Кимсасиз уйга киришиб марҳум, 2-жаҳон уруши қаҳрамони Муҳиддин Умурдиновнинг орден ва медаллари, барча хўжатларини ўғирлаб кетишди. Эртасига хонадон соҳиб Раҳматжон Умурдинов дадасидан ёдгорлик ўғирлаб кетилганидан воқиф бўлди. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга арз қилмади. Ахир нима деб айтади?!

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Лекин Умурдиновлар оиласидаги нохушлик ҳеч кимнинг ёдидан чиқ-

АМЕРИКАДАН ҚАЙТГАН ХОТИРА

ёҳуд кувалик уруш қатнашчиси Муҳиддин Умурдиновнинг «саёҳатчи» Олтин медали

масди. Муҳиддин тоғанинг ўғли Раҳматжон юз берган кўнгилсизликка ўзини айбдор деб ҳис қиларди. Отаси жасоратларининг ашёвий далили бўлган нарсаларни ўғирлаб кетган иборидан қаттиқ изтироб чекарди. Кўнглининг бир четидеги умид уни бироз тинчлантириб турарди-ю, лекин йўқолган нарсаларнинг топилишига ишонмасди.

Кунларнинг бирида, Раҳматжон ҳар сафаридек ишга отланиб турганида хабар чиқди макутуб таш-

Сакайда исмли одам йўллаган экан. У ўзида кувалик қаҳрамон Муҳиддин Умурдиновнинг Олтин Юдуз медали сақланаётганлигини билдирган ҳолда, қаҳрамоннинг иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасоратлари ҳақида Россия Мудофаа вазирлигидан билиб олганлигини ёзган ва Умурдиновнинг кейинги ҳаёти тўғрисида маълумотлар сўраган эди.

Шу тариқа икки орада ёзишма бошланди. Макутубларнинг бирида медал-

тегишли хўжатлар эди. Шунинг учун Раҳматжон бу нарсалар қандай қилиб америкалик Сакайданинг қўлига тушиб қолганлигини сўраб, агар рози бўлса, бу нарсаларни қайтариб сотиб олиши мумкинлиги ҳақида Генрига хат ёзди.

Маълум бўлишича, Г.Сакайда турли ёдгорликларни тўплаш билан шуғулланар экан. У германиялик дўстидан ўрта осийликларга тегишли уруш осори-атикаларини сўраган, натижада 2000 йилда дўстидан бу Олтин Юдуз ме-

далини маълум бир маблағ эвазига сотиб олган, сўнгра медалнинг ҳақиқийлиги ва кимга берилганини ҳужжати ва унинг устида олтин юлдузнинг расми келди. Буларни кўрган Раҳматжон хайрон бўлди. Чунки бу суратдаги нарсалар ўша йўқолган қаҳрамонлик юлдузи ва отасига

суратнинг орқасидаги ёзуви ўқиб беришини сотувчидан илтимос қилади. Сотувчи Муҳиддин Умур-

диновнинг расми экан, деб жавоб беради. Хайрати ортан Генри ушбу суратини ҳам сотиб олади.

9 август кунни марҳум кувалик қаҳрамон Муҳиддин Умурдиновнинг ўғли Раҳматжон Тошкентга тақлиф қилиниб, мамлакатимиз Мудофаа вазирлигининг музейида медални қайта топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Тадбирда АҚШдан келган меҳмонлар ва уруш фахрийлари Муҳиддин Умурдиновнинг жасоратлари

ҳақида сўзладилар. Қаҳрамон Олтин юлдузининг дунё бўйлаб «саёҳати» туганганини айтишиб, унга тегишли бўлган барча хўжат ва орден-медалларни Раҳматжон Умурдиновга топширдилар.

Ўз навбатида Раҳматжон оила аъзолари номидан сўзлаб, Генри Сакайдага ҳамда йўқолган нарсаларни қайтишида уларга ёрдам берган барча кишиларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Шундай қилиб тўрт йиллик «саёҳат»дан сўнг кувалик Муҳиддин Умурдиновдан хотира бўлиб қолган орден ва медаллар ўз эгаларига қайтиб келди.

Хошимжон НУРИДДИНОВ, Мўйдинжон СОБИТОВ, Фаргона вилояти.

Шундай инсонлар бор бўлсин

Оролбўйидан мактублар

1. ЖАЙХУН КАБИ АСОВ, ШИДДАТЛИ

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида кўрсатиб ўтганларидек, туғилиб ўсган ерига меҳр кўйиш, шу туйғуни ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига синдириш, ўз она юрти билан ғурурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб ҳеч қимдан кам бўлмайман, деган қайфият билан мурраккаб бир шароитда кун кечириб, яшаши ҳақиқатан ҳам шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Амударё устидан ўтган кўприқда турибмиз. Пастда ўжар Жайхун тўққинлаиб оқмоқда. Сув кўпайганидан кўприкни қайта таъмирлашга тўри келди. Обҳаёт мўллагидан дехқонларнинг қайфияти чоғ.

Амударё тумани Қорақалпоғистонда тайёрланаётган пахтанинг учдан бир қисмини етиштириб беради. Далаларда яхши ҳосил етиштирилди. Айниқса, 200 дан ортиқ фермерлар, 140 та юридик макомга эга дехқон хўжалиқларида ҳосил чўғи баланд. Шимолий минтақада йғим-терим қизгин давом этмоқда.

Тайёрлов корхоналарига 3 минг тоннадан ортиқ сара дон, 170 тонна пилла етказиб берган амударёликларнинг шашти баланд.

Иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда, - дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати

Ражаббой Йўлдошев. — Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни, яқка тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Туманда давлат рўйхатидан ўтган 630 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатапти. Уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 161 тага кўпайди, ёки янгитдан 558 та иш ўрни очилди.

Тадбиркорларнинг фаолияти кенг қамровли. «Элтузар» кичик корхонаси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, «Магнит» масъулияти чекланган жамият аҳоли ва корхоналарга маиший хизмат кўрсатмоқда. «Ташаббус 2002» курик-танловда қатнашиб, «Энг нуруни тадбиркор» соҳирини қўлга киритган «Ерлапас» фермер хўжалиги ҳар йили эл дастурхонига тонналаб гўшт ва сут етказиб бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва

қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича» Дастурга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори асосида «Мангит ипаги» корхонаси ва «Кўшчиғир» хусусий фирмаси чет эл инвестицияси билан ишляпти. «Кўшчиғир» хусусий фирмаси базасида томат пастаси ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон - Италия «Оксус» қўшма корхонаси ташкил қилинди. Хом ашёдан ҳар хил пахта момоғи тайёрлайдиган Ўзбекистон - Россия «КАМЕКС» қўшма корхонаси ишга тушди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 47 миллион 100 минг сўм кредит берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қишлоқ ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш Дастури тўғрисида» ва «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида бир мунча ишлар амалга оширилди. Мангит шаҳрида 400 ўринли маданият саройи, «Дўстлик» жамоа хўжалигида 100 ўринли қишлоқ шифохонаси, 5 та врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

«Қангли» жамоа хўжалигида 260 ўринли мактаб қайта таъмирланди.

Н. ИСОМУДИНОВ.



Форс кўрфази минтақаси кейинги пайтда энг нутириг худудлардан бирига айланб қолди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охиридаги Эрон воқеалари, 80-йиллардаги Эрон-Ироқ уруши (салкам 2 миллион киши ҳалок бўлган), 1990 йилнинг августига келиб Ироқ томонидан Қувейт ерининг босиб олиниши ва ниҳоят, ўн бир йилдан кўпроқ давом этаётган БМТ-Ироқ танглиги минтақадаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳвол мурраккаблигидан далолат беради.

Вазиятнинг бундай кескин тус олишида Ироқнинг милитарлашуви, яъни ҳарбий тайёргарликка асосий эътибор қаратаётганлиги бош сабабдир. Бир замон Ироқ ўз қўшилари (Эрон, Қувейт, Сурия, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқалар) таҳдид солган бўлса, эндиликда бу давлат дунёга, демакки жаҳон тинчлигига катта хавф солиб турибди.

Ироқнинг милитаризм (ҳарбийлашув) ботқоғига тушиб қолишида бир неча муҳим омиллар бор. Булар: — Мавжуд тузумнинг сиёсати ҳужумкор мақсадларга қаратилганлиги, айтилик Эронга ҳам, Қувейтга ҳам биринчи бўлиб Ироқ бостириб кирган эди, кейинги даврда эса халқаро қарамиятнинг эътирозига қараман Ироқ оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқармоқда;

Ироқ бир неча ўн йилликлар мобайнида айрим давлатлар билан қўчи ҳарбий ҳамкорлик олиб борди. Айниқса, ўтган асрнинг 70-80 йилларида собиқ Иттифоқ бу давлатга мисли қўрилмаган даражада қурол-яроғ етказиб берди ёки ҳарбий ҳамкорлик олиб борди. Уша кезлари собиқ Иттифоқ кўмаги билан Ироқда 100дан ортиқ муҳим иншо-

Боғи борнинг боли бор ТУРГАН БИТГАНИ БАРАКА

Соҳиб бобо Шокиров Шахрисабз туманидаги Парда Шербобоев номи ширкат хўжалигининг БИГМИ қишлоғида яшайди. Қарийб 40 йил қишлоқ хўжалигида ишлаб, айни пайтда кексалик гаштини сурмоқда. 7 нафар фарзандни тарбиялаб, 30 дан ортиқ набиранинг суюкли бобоси бўлиб юрган отахони қишлоқдошлари ҳурмат қилишади. Бунинг боиси бор, албатта.

— Иш фаолиятим даврида бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига 40 гектардан ортиқ мевали боғ яратдик, — дейди у. — Айни пайтда қишлоқдошларим бу боғлар мевасидан баҳраманд бўлишмоқда.

Ш. СУЛТОНОВ.

Суратларда: Нишон туманилик боғбон Қаҳрамон Тўраев (юқорида) ва қарилик гаштини сураётган Соҳиб ота Шокиров шогирди Холиқ Рауфов билан.



отлар, шу жумладан ҳарбий-стратегик бинолар ҳам барпо қилинган эди. Ироқ араб дунёсида яқка йўлбошчилик даврасида бўлган давлатдир. Тўғри, бундай қайфият Ливияда ҳам бор. Кейинги пайтда 22та араб давлатига «сиёсий етакчи - раҳнамо» бўлиш қайфияти Суданда ҳам пайдо бўлди. Аммо, Яқин Шарқ ва Форс кўрфа-

ФОРС КЎРФАЗИ ВА

бошқа ашаддий террорчи тўдаларга панох бераётган ҳам Бағдод тузумидир; — Яна бир омил - бу Ироқдаги мавжуд тузум стратегияси қуролланишга қаратилганлигида Саддам Хусайн шахсини четлаб ўтиб бўлмайди. Оқдирок қилиб айтганда, ҳозирги муаммо-ю, келишимовчилик ва кескинликнинг бош сабабчиси - бу Ироқ раҳбариятидир. Жаҳон раҳбатларида бир неча бор таъкидланганга қарамай, «Саддам - уруш демакдир», ёки «Саддам - ўлим манбаи» бўлиб қолмоқда;

Бу фикрларни айтганимизда Ироқ мамлакатида ҳар кун 400-450 нарсанида ҳаётдан кўз юмётганлиги, бир пайтлар Саддам Хусайн Иорданияга қочиб ўтган қариндошларини авф этдим, деб қачириб олиб, ўлимга маҳкум қилганлиги (шу жумладан, кўвини ҳам) ёдимизга тушади. Айни пайтда Саддам тузуми минглаб курд аҳолиси-

зи ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жараёнда Ироқ омилли ўта кескин, ўта таъсирли ва айни пайтда ўта хатарли эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шу боис Ироқнинг қарийб барча араб давлатлари билан (Ливия ва Судани ҳисобла олганда) муносабати яхши эмас. Араб давлатлари орасида Миф, Саудия Арабистони, Иордания (қаранг-а, 1958 йил февралда Ироқ билан Иорданиянинг Араб Иттифоқи тузилган эди, бироқ у ярим йил ҳам яшаманган), Қувейт, Бирлашган Араб Амирликлари билан Ироқ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг совуқлашуви расмий Бағдод тузумининг мавқеига катта пугур етказди;

— Ироқ нафақат Форс кўрфази, балки Яқин Шарқ танглигининг асосий сабабчиларидандир. Ироқнинг узоқ йиллардан бери ҳарбийлашуви катта минтақаларга жиддий хавф солаётганлиги бугун янги гап эмас. Эндиликда Бағдод тузуми ўзининг ҳарбий доктринасидаги бош мақсад-

«Ишонч» фоз этиади

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚИГА ХИЁНАТ

теъмолга яроқсиз маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда. Вилотат монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертифицициялаш марказининг мутахассислари текшириш ўтказиб, жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Масалан, турли хил ширинликлар билан савдо қилаётган Акбар Тўхтаев истеъмолга яроқсиз ва муддати ўтган маҳсулотларни сотиб ўтирибди.

Сотувчи С.Қурбонов пуллаётган ҳолва, печенё ва макарон маҳсулотларининг сифат сертифицикаци йўқ, С.Хоналиева эса қўлбола мурабони сотиш билан овозда Э.Эвазов пуллаётган рўйхатдан ўтмасдан яширин цех очиб, турли ширинликлар тайёрлаб сотаётганда қўлга тушди. Бундай мисолларни, афсуски, яна келтириш мумкин.

Қарши шаҳар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи худудий комиссия томонидан текширув ўтказилганда вилотат хўжалиқларидан «Қаршибулоқ» очик ҳиссадорлик жамиятига сўйиш учун қабул қилинган 13094 бош чорва молларидан 519 боши касал эканлиги, 274 бош майда молларнинг соғломлигини тасдиқловчи ҳужжат йўқлиги аниқланди. Бундай камчиликларни содир этаётганларни ким деб аташга ҳайрон бўласан киши.

Шарқ бозорларида азалдан ҳалоллик, инсоф, диёнат, файзу барокат ҳукмрон. Шундай экан харидорларни алдаш, тарозидан уриш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини паймол қилиш гуноҳи азим эканлигини учарлар унутмасинлар.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Қимирлаган қир ошар

«Шодия» кичик корхонаси қисқа фурсат ичида нафақат Нурота туманида, балки Навоий вилоятида энг илғорлардан бири сифатида танилди. Корхонада шу йилнинг ўтган даври мобайнида

ТАДБИРКОРНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

306 миллион сўмлик қуриш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шуниси диққатга сазоворки, корхона томонидан амалга оширилган ишлар бююртмачилар томонидан юқори баҳоланмоқда. Буни Кармана шаҳар туман ҳокимияти маъмурий биноси, Кизилтепа бизнес мактаби, Навбахор, Хатирчи туманларидаги касб-хунар коллежлари, Нурота тумани Мозор қишлоғидаги қишлоқ-врачлик пункти мисолида кўриш мумкин.

Тадбиркор ва ишбилармон аёл Шахло Мерганова раҳбарлик қилаётган бу корхона шаҳар ва қишлоқларда бекор юрган 10 нафарга яқин ёшларни ўз бағрига олди. Уларни қайта ўқитиб, малакали ишчи-

ларга айлантирди. Корхонада ишловчиларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ишловчиларнинг ойлик маошлари 35-40 минг сўмини ташкил этмоқда. Бундан ташқари уларга мукофот пуллари, зарарли ишда ишловчиларга сўт-қатик бериш йўлга қўйилган. «Шодия» хайрият тадбирларидан ҳам четда қолмапти, кам таъминланган болаларга беминнат ёрдам кўрсатмоқда.

Савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти юзасидан ўтказилган текширишларда ҳар хил қоидабузарликлар аниқланди. Айрим бозорлар бўйича тушумлар режаси бажарилмаётганлиги, харидорлар ҳақиқа хиёнат қилинаётганлиги маълум бўлди. Чунончи, Қарши «Дехқон бозори», шаҳардаги «Кўкча», «Кўмак» хусусий савдо сервис хусусий фирмасига қарашли эҳтиёт қисмлар бозорларида савдо-сотик билан шугулланадиган тадбиркорлар ўртасида шартнома тузилмаган. Косон туманидаги марказий, Китоб туманидаги Макрид, Дехқонбод туманидаги «Бозор» очик ҳиссадорлик жамияти, Чирокчидаги Уйшун, Кас-

бидаги Муғлон бозорларида дехқондан кўра олиб сотарлар кўп. Оддий санитария-гигиена қоидаларига кўпда амал қилинмайди. Ириқ аҳоли худудларидан ҳисобланган «Шахрисабз» дехқон-бозорида савдо расталари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Таш-тарози хўжалиги атиги 50 фоизни ташкил этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дуч келган ерда сотилмоқда. Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Қарши шохбекати ёнида жойлашган улғурчи бозор доимо харидорлар билан гавжум. Бироқ бу ерда сотилаётган қандолат маҳсулотлари, гўшт консервалари, турли ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати талабга жавоб бермайди. Баъзида ис-

Ўқинч

КЕЧИРИЛМАС ХАТО

Бўка шаҳар Охунбобоев номидаги Меҳрибонлик уйда бир кун

Уша воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Қўқонлик дўстим — истеъдодли рассом ижоди билан танишиб қайтарканман, у мулошидаги уйда истиқомат қилувчи бир кишини йўқлаб ўтишни тақлиф этди. Мўжазгина ховли. Супада тахминан 80 ёшлардаги, сочлари доқадек оқарган онахон кўра-тўшак қилиб ётарди. Чехраси синиққан, дўстим ҳар қанча ҳазил-мутойиба қилиб кўнглини овлашга интилимасин ўзгариш сезилмади. Аксинча, онахон кўзларига ёш олиб, унинг учун анча қадрдон бўлиб қолган дўстимга маъноли тикилди.

Йўлда ҳамроҳим изтироблар сабабидан гап очди. Маълум бўлишича, Хувайдо ая ёшлигида кўрмак, ташкилотчи, ўз қишлоғининг олди одамлари сафида бўлган. Иши юришиб, обрусинга обрў қўшилган, неғадир уй-жойи, бола-чақасидан узоқлаша бошлаган. Бора-бора уй-рўзгор ташвиши, бола тарбияси умрдош зиммасида қолиб кетган. Табиийки, барча ҳавас қиладиган, фазили хонадон соҳиблари орасида келишмовчилик юзага келади. Уч йил тоштиша-тортиша эр ўза вилотатга равона бўлди. Олти ашар ўгли билан қолган аёл иккиланмай нуридийдасини Меҳрибонлик уйига топширди.

— Менга қаранг, опахон, кечирилмас хатога йўл қўйяписиз, — дея қайта-қайта таъкидлаганди тарбиячилардан бири. — Фарзандингизга бир қаранг, боким тўймайсиз киши. Худо берган бахтдан юз ўғираяписиз. Вақти келиб бунинг учун қаттиқ ўқинасиз, кўз ёш тўкасиз. Бирок, ўшанда кеч бўлади, жуда кеч бўлади...

Насихатлар кор қилмади. Аёл фарзандини Меҳрибонлик уйига топшириб жўнаб қолди. Йиллар ўтди. Она қариб, касалманд бўлиб қолди. Тўғри, кўни-қўшни, таниш-билишлари, қолаверса, тегишли ташкилотлар вакиллари вақти-вақти билан унинг ҳолидан хабар олиб туришади. Бирок бошида парвона бўладиган меҳрибонлиги йўқлиги барибир билинади. Бунинг учун аёлнинг ўзи сабабчи, ўзидан ўтганини ўзи билади...

Бука шаҳридаги Охунбобоев номи Меҳрибонлик уйида бўлганимизда тарбияланувчиларга бир-бир назар ташладиғу, кўнглимизда юқоридаги воқеа жонланди. Кўмик дарахтлар, анвойи гуллар билан ўралган ушбу масқанда болаларнинг ҳеч нарсага зорикмай униб-ўсишлари учун давлатимиз барча шароитни яратган. Шинам дам олиш хонаси, кенг, ёруғ ётоқхона, дархоналар бажарим хизматлар билан таъминланган. Ёшига қараб гуруҳларга ажратилган болаларнинг ўқиши, ҳунар эгаллаши учун меҳрибон тарбиячилар парвона. Таомиларнинг сифатига гап йўқ. Тарбиячилар Нина Охотина, Тоҳир Мусурмонов, Гулсара Илёсова, ошпаз Раваҳан Усмонов ўз бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда. Болалар дарсдан бўш вақтларида спорт тўғрақларига қатнайдилар, кутубхоналар зарур адабиётлар билан таъминланган. Бу ердаги ўғил-қизларга яна синчковлик билан тикиларканмиз, уларга барибир нимадир еттишмаётганини, кимнидир интиқ қутушаётганини юракдан ҳис қилдик. Бу — ота-она меҳри, ота-она соғини эди. Шубҳасиз, ҳар бир тарбияланувчи қачондир қадрдонлари келиб, уларни ўз бағрига босиб, қадрдон гўшаларига олиб кетишларини орзу қилади. Шу ўй, шу ният уларни ҳеч қачон тарк этмайди.

Меҳрибонлик уйининг меҳрибонлари кўп. Хусусан, оталиқ ташкилотлар — туман матбуот жамияти уюшмасининг умумий овқатланиш корхонаси, «Дўстлик» хўжалиги, қатор ширкатлар вақти-вақти билан нёмаматлар, ки-йим-кечак келтиришади. Байрамларда болаларга совғасаломлар улаштиришади. Яқинда Ўзбекистон спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар спорт анжумлари улаштирди. Ёз ойларида бу ердаги 80 нафар бола «Сижжак» оромгоҳида мириқиб дам олди.

— Дунёда фарзанд учун она ўрнини ҳеч нарса босолмайди, — дея фикрини ифодалайди тарбиячи Гулсара опа. — Ҳар кун тарбияланувчилар билан мулоқотда бўларканман, бунни чуқур ҳис этаман. Ҳаёт қизқ экан, кимлардир тирноққа зор, кимлардир ўз азиз фарзандини меҳру муҳаббатга зор этиб, ўқинтириб ташлаб қўйган. Бирок бундай қўрнамалар охир-оқибат минг боға афсус қиладилар.

Кутулимаганда ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлади. Шинам хонадаги тувақда ўсаётган чиройли гулнинг барглари ҳам томчилар инди. Бу ёмғир томчилари эмас, хажжи Дилфузининг кўз ёшлари эди.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ИНТЕРНЕТДА КУТУБХОНА САЙТИ

Бухоро вилояти Ибн Сино номидаги илмий-универсал кутубхонаси "Интернет ва кутубхона-ахборот захиралари фан, таълим, маданият ва тижоратда" халқаро анжумани очилиши арафасида Интернетда ўз веб-сайтини очди.

Жорий йилнинг апрел ойида маъруз уиверсал кутубхонанинг веб-сайтини ташкил этиш учун UREX халқаро жамғармасининг гранти олинган эди, деди кутубхона директори Мамлакат Самадова "Туркистон-пресс" мухбирига. -Олинган грант бўйича лойиҳани амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам маркази оператори Сухроб Муродов ва марказ менежери Саодат Тешабоеваларнинг ёрдами катта бўлди. Кутубхонамиз китоблар жамғармаси бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бухоро амирлиги вақтида ислом ҳуқуқларини ўрганиш учун мадрасада ташкил этилган кутубхона бугунги кунга келиб йирик масканга айланди. Веб-сайт кутубхона тарихи, ундаги китоблар жамғармаси, жамоатнинг иш фаолияти ҳақида хитро қилади.

Саволларингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси юридик бўлими мудири Орифжон ҒАЙНАЗАРОВ жавоб беради

САВОЛ: Хўжаликлар боғларни ижарага сотмоқда. Уни сотиб олган шахс боғнинг ижара ҳақини тўлайди. Лекин қаерда ишлагани, ойлик маоши, меҳнат стажи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Пенсияга чиққанида нима қилади?

ЖАВОБ: Хар бир фуқаро деҳқон хўжалиги билан шуғулланган вақти учун ҳамда олинган даромад билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин. Бунинг учун фуқаро маълум талабларни бажариши лозим бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 июл 289-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан у сугурта бадалини тўлаган бўлиши шарт. Деҳқон хўжалиги билан шуғулланувчи шахс ушбу Низомга биноан пенсия жамғармасига сугурта бадалини тўлаб турган тақдирда улар:

- деҳқон хўжалиги билан шуғулланган вақтини меҳнат стажи ҳисобига киритиши;
- деҳқон хўжалиги фаолиятидан олинган даромадини пенсия миқдорини аниқлашда ҳисобга олиши;
- давлат ижтимоий сугуртаси бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятини йўқотганлик учун, ҳомилдорлик ва

туғиш учун ҳамда дафн маросими учун нафақалар олиш ҳуқуқларига эга бўлади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бундай нафақалар фуқаро томонидан сугурта бадалини тўлаш даврида пайдо бўлса берилади. Фуқаро сугурта бадалини

ланди. Ҳисобланган даромаднинг миқдори белгиланган меъёрдан ортиб кетиб нафақа тайинланмайдиган бўлади. Шу тўғрисида? Нафақа бериш тартиби ҳақида тушунақ берадизми? ЖАВОБ: Хатингизда кел-

- оила аъзоларининг ариза берилгунга қадар ўтган ўн икки ой давомидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотнома. Зарур ҳолларда эса булардан ташқари яна:
- боланинг ногиронлиги тўғрисида ТМК (тиббий-мас-

динги 12 ой давомидаги барча даромадлар кўшилади. Олинган натижа оила аъзоларининг сонига сўнг 12 га бўлинади. Оиланинг жон бошига тўғри келадиган даромаднинг миқдори энг кам иш ҳақининг 1,5 баробари (4535

эканлигининг аҳамияти йўқ. Нафақа бола туғилган кундан кейинги ойдан, ариза берилган вақтдан бошлаб тайинланади ва бола 2 ёшга тулгунга қадар хар ойда бериб борилади. Нафақанинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январь кунги Қарорига асосан 2002 йилнинг 1 февралидан энг кам иш ҳақининг 170 фоизи миқдорига, 2003

Икки ёшгача бола парваришlash учун бериладиган нафақа ҳаммага тўланадими?

тўловчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиш учун деҳқон хўжалиги жойлашган ҳудуддаги пенсия жамғармасига ариза билан бирга паспортини ҳамда илгари ишлаган бўлса меҳнат дафтарчасини тақдим этади. Сугурта миқдори рўйхатга олиш вақтида белгиланади. Бунда фуқаронинг хоҳиши ҳамда имконияти эътиборга олинмиши лозим.

САВОЛ: Онага бола икки ёшга тулгунга қадар бола парвариши учун бериладиган нафақа пулини олиш мақсадида мурожаат қилсам, даромадим ҳақида маълумот кўрсатишни сўрашди. Шунда хўжаликка боғ учун тўланган маблағ маълумот учун олинди ҳамда 0,50 га 580 сўмдан даромад миқдори ҳисоб-

тирган маълумотларга кўра, Сиз ҳозирги кунда ҳеч жойда ишламайсиз. Шу сабабли Сизга нафақа тайинлаш Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1112 рақам билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Болани парвариш қилиш бўйича нафақа ушбу қоидага асосан нафақа олувчи шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тайинланади. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси (илгари ишлаганлар учун);

лаҳат комиссияси)нинг маълумотномаси;

- никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси ёки суднинг тегишли қарорларидан кўчирма;

- боланинг онаси ўрнига унинг ўрнини босувчи бошқа шахс нафақа олиши учун эса, боланинг онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, аёлнинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақидаги суд томонидан берилган маълумотнома ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олмаётганлиги тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

Даромадлар ҳақида тақдим этилган ҳужжатлар асосида олинган хар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромад аниқланади. Бунинг учун ариза берилгандан ол-

х 1,5 = 6807,50)дан кам бўлган тақдирдагина оила ушбу нафақага муҳтож деб ҳисобланади ва фуқарога нафақа тайинланади.

Мазкур Низомга мувофиқ нафақа оиланинг даромадини ҳисобга олмасдан ҳеч қандай шартларсиз қуйидаги фуқароларга тайинланади:

- болани тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган онага ва отага. Бунда болани она(ота) томонидан тўлиқ бўлмаган оилада тарбияланаётганлик ҳолати аниқ шароитлари ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади;

- ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки унинг ўрнини босувчи шахсларга). Бунда оилада тарбияланаётган боланинг қайси бири ногирон

Газетхон илтимосига кўра

Саволингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради САВОЛ: Хорижда, МДҲда ўқиб келган шахсларнинг диплом-

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



йилнинг 1 январидан эса энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорига берилади.

Боғ учун тўланган ижара миқдори сарфланган харажат ҳисобланиб боғдан ҳисобланган даромадга қўшилмайди. Деҳқон хўжалиги билан шуғулланувчиларнинг даромади хар 10 сотих ерга энг кам иш ҳақининг ўртача миқдорининг икки баравари миқдорига белгиланади.

лари республикамиз ҳудудида ҳақиқий ҳисобланадими? Базис ташкилотларда буни инкор қилишмоқда. Шу хусусда батафсил маълумот берсангиз.

Г.БЕКЧОНОВА, Гурлан тумани.

ЖАВОБ: Мазкур масала Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентликни қайд этиш» (нострификация) Низомига асосан белгиланади.

нинг ёстигини қуритди. Ҳозир ҳам Ироқдаги қурдларнинг катта қисми дарбадарликда, қувгинда, муҳожириликда кун кечиряпти мажбур.

Саддам Хусайн сиёсий қузатувчилар томонидан тарихдаги дикторларга тенглаштирилганлиги тасодифий эмас. Унинг тўлиқ исми-шарифи Саддам Хусайн Ат-Тикрити

Аммо Саддам ўшанда Сурияга қочишга ва Сурия орқали Мисрга чиқиб кетишга муваффақ бўлган. Бугун эса унинг ўзи диктатор. Унинг ўзи минглаб кишиларни ўлимга маҳкум этмоқда.

Ҳозир Форс кўрфазиди бўлаётган воқеаларни фақат Фарб дунёси билан Ироқ тузуми ўртасидаги конфронтация дейиш ноўрин бўлур

холиф оқимлар, партиялар қувгинда кун кечирмоқда, қурдларга нисбатан ўта каттиққўллик сиёсати давом этмоқда. Энг хавфлиси, орадан ўтган ўн бир йил ичида Ироқдаги оммавий қирғин қуролларнинг тўлиқ йўқ қилинишига эришилмаганлигидир.

Ҳозир кўпчилик халқро текширув гуруҳининг Ироққа киришига руҳсат берилганлигини таъкидлаяпти. Ваҳоланки, бош мақсад БМТ резолюцияларида кўрсатилганидек,

Ироқда фақат оммавий қирғин қуролларининггина эмас, балки қўли қонга ботган террорчиларни, уларнинг кўнимхоналарини ҳам йўқ қилиш халқро жамоатчилигининг бош вазифасига киради.

Ўзбекистон халқро терроризмнинг илдизи билан қўпориб ташланиши тарафдори. Бу ақсилтеррор мақсадларида мамлакатимиз БМТ ва жаҳондаги етакчи давлатларга катта мадад бериб келмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик мақсадларимиздаги муштаракликни ифода этмоқда. Ўзбекистоннинг хал-қаро терроризм, нарқобизнес, уюшган жиноятчилик ва бошқа гайриинсонийлик ҳолатларига қарши кураш йўли БМТ режаларига, АҚШ, Япония ва Европадаги илғор давлатларнинг ташқи сиёсати ҳамоҳангдир.

Президент Ислам Каримов ҳали 1993 йилиёқ минтақамизни ядро қуролидан холи бўлган зона деб эътироф этилиши ҳақидаги ташаббус билан чиққан эди. Ушбу гоё бугунги кунда ҳам жаҳон жамоатчилиги томонидан юқори баҳолагани, Ўзбекистон ташаббуслари фақат минтақавий маънога эмас, балки бу ташаббуслар дунё аҳамиятига молик амалий қадам

Бизнинг шарҳ

Бу дунё миқёсида терроризмга қарши кураш масаласидир. Айнан Ироқ халқро террорчиларга паноҳ бераётганлиги тобора равшан бўлиб қолди. Демак, Ироқда фақат оммавий қирғин қуролларининггина эмас, балки қўли қонга ботган террорчиларни, уларнинг кўнимхоналарини ҳам йўқ қилиш халқро жамоатчилигининг бош вазифасига киради.

Ўзбекистон халқро терроризмнинг илдизи билан қўпориб ташланиши тарафдори. Бу ақсилтеррор мақсадларида мамлакатимиз БМТ ва жаҳондаги етакчи давлатларга катта мадад бериб келмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик мақсадларимиздаги муштаракликни ифода этмоқда. Ўзбекистоннинг хал-қаро терроризм, нарқобизнес, уюшган жиноятчилик ва бошқа гайриинсонийлик ҳолатларига қарши кураш йўли БМТ режаларига, АҚШ, Япония ва Европадаги илғор давлатларнинг ташқи сиёсати ҳамоҳангдир.

Президент Ислам Каримов ҳали 1993 йилиёқ минтақамизни ядро қуролидан холи бўлган зона деб эътироф этилиши ҳақидаги ташаббус билан чиққан эди. Ушбу гоё бугунги кунда ҳам жаҳон жамоатчилиги томонидан юқори баҳолагани, Ўзбекистон ташаббуслари фақат минтақавий маънога эмас, балки бу ташаббуслар дунё аҳамиятига молик амалий қадам

Бизнинг шарҳ

деб баҳоланмоқда. Мамлакатимиз сиёсати оммавий қирғин қуролларининг ишлаб чиқилишига қаршидир. Шунингдек, Ўзбекистон оммавий қирғин қуролларининггина эмас, балки қўли қонга ботган террорчиларни, уларнинг кўнимхоналарини ҳам йўқ қилиш халқро жамоатчилигининг бош вазифасига киради.

Ўзбекистоннинг барқарор таъқи сиёсати аввало, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Бу йўлда мамлакатимизнинг БМТ билан ва ушбу ташкилот Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси АҚШ каби давлат билан ўзаро стратегик ҳамкорлиги биринчи галда миллий хавфсизлигимиз қафолатидир. Шу ўринда Президентимиз сўзини эсга олиш жоиз: «Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат бу - тинчлик сиёсати! Бизларга ҳеч нарса керак эмас, фақат тинчлик керак. Кучимиз етарли, бойлигимиз етарли, сиёсатимиз аниқ, келажакимиз аниқ, тараққиёт йўлимиз аниқ, энг муҳими, мана шу йўлдан оғишмай олган бориб, мақсадимизга етамиз деб, халқимиз белини маҳкам боғлаган».

Кобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.



Мамлакатимиз пахта майдонларида йил бўйи етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун қизғин харажат кетмоқда. Бу ишда Янгийўл туманидаги Матлубот савдо-ҳисдорлик жамияти аъзолари «Қовунчи» ширкат хўжалиги деҳқонларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Суратларда: илғор теримчилар Хайринисо Мирсаидова ҳамда Ханида Мусаевалар териб топширган ҳосил чўғидан мамнулар. Қизилтепа туманидаги «Варозин» ширкат хўжалигида ҳам илғор теримчилар сонини кун сайин кўпайиб бормоқда. Олия Холиқова ва Гулистон Сафаровалар меҳнат беллашувида пешқадамлик қилишяпти.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



ЖАҲОН МУАММОЛАРИ

бўлиб, 1937 йил 28 апрелда Ироқнинг Тикрит шаҳрида туғилган. Қоҳира университетиди, кейин эса Бағдод университетиди ўқиган. Ҳуқуқшунос. Бағдоддаги харбий академияни ҳам тугатган. Маршал харбий унвонига эга бўлган Саддам Хусайн 1979 йилнинг 16 июлидан бери Ироқ Президенти, бош вазири, инқилобий кўмондонлик кенгаши раиси, қуроли кучларнинг олий бош кўмондони, Араб социалистик уйғонish партияси минтақавий раҳбарияти бош котибидир. Демак, у 23 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ироқни батамом харбий-лаштирашга эришди. Ақс ҳолда 22 миллионли Ироқда салкам бир миллионли армия (400 минг мунтазам қўшинлар, 500 минг захирода) шаклландими?

Саддам Хусайн 1959 йили Ироқ диктатори Абдул Карим Қосимни ағдарилганга уринишда қатнашганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинган эди.

халқро назорат гуруҳини Ироққа киритишига эмас, балки асосий мақсад Ироқни қуролилантиришдан, бу ердаги оммавий қирғин қуролларни йўқ қилишдан иборатдир. Шу пайтгача содир бўлган воқеалар, яъни халқро текширув гуруҳининг Ироқда бўлиши, ёки Ироқнинг қаршилиги - кўпинча Бағдод тузумининг турли «уйинлари», тактикаси билан ҳам боғлиқ бўлиб келди.

Бир муҳим ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунё ахли, халқро ҳамжамият Ироқ халқига қарши эмас, балки мавжуд тузумга, бу тузум олиб бораётган хатарли сиёсатга қаршидир. Бунинг фарқлай олиш Форс кўрфазидидаги вазиятни те-ран англашга имкон беради.

Иккинчи ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Шу пайтгача Ироқдаги мавжуд ёки ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролларни йўқ қилиш - бу Ироққа қўйилаётган бош тараб эди. Бугун эса яна бир мураккаб вазифа турибди.

ЙИГИМ-ТЕРИМ ҚИЗГИН

Сирдарё тумани «Шоликор» ширкат хўжалиги шоликорлари шоли ўринини бошлаб юбордилар.

Йигим-терим ишларида хар куни 14 та «Кейс» русумли комбайн қатнашмоқда. Уларнинг хар бири кунига ўрта ҳисобда 15-25 тонна шоли янчмоқда. Комбайнларнинг бир ҳафталик самарали меҳнати натижасида далалардан 700 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Комбайнчилардан Шодиёр Турев, Пулат Камолов ва Наврўз Хўжаевлар кунлик топшириқни 140-160 фоизга удалашмоқда.

«Хосил мўл-кўллиги сабабли далаларимиздан режадаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан шоли ўриб олишга муваффақ бўлдик, деди иктисослашган ширкатлар бирлашмаси раҳбари Ғайбулла Тўйчиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Давлатга 7468 тонна шоли сотишни мўлжаллаганимиз. Ушбу вазифани шараф билан бажариш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. «Туркистон-пресс»

ЮРТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» 2002 йил 20 сентябрдан эътиборан, 1 ноябригача бўлган давр мобайнида 7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга кўйишингиз ва хар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

Санъат

ВАТАН ИШҚИ

Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Фарход» маданият саройида фолклор кўрсатаётган «Ширин» вокал-хореография миллий ракс дастаси Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган IX халқаро болалар ижодиёти фестивалида муваффақият қозонди. «Ер - бизнинг умумий уйимиз» номли мазкур фестивалда жаҳоннинг 30дан зиёд мамлакатларидан ижодий жамоалар иштирок этдилар.

— Бизни жуда илиқ кутиб олишди, - дейди «Ширин» ракс дастаси балетмейстери Роза Кенжаева. — Санъат сарҳад танламайди, деб бежиз айтишмайди. Ўша кунлари бутун шаҳарда тантанавий кайфият ҳукм сурди. Фестивалга келган жамоалар орасида «Ширин» дастаси иштирокчиларининг чиқишлари алоҳида эҳтиром билан кутиб олинди. Бунга ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Фестивалга тақдим этилган миллий мумтоз ва эстрада сахналаримизда Ўзбекистонда яшовчи халқлар маданиятини бор бўйи билан кўрсатишга ҳаракат қилдик. «Бухороча», «Хоразмча», «Фаргонача», «Доира ракси» каби рақсларимиз бир-бирларини оҳанглар кўтаринкилиги, мусикий сехри билан томошабинлар эътиборини тортди. Энг қувончлиси, қадимий миллий мусиқа тури бўлмиш мақом йўналишида ижро этилган кўшиқ ва рақслар жуда катта олқишларга сазовор бўлди.

Сухбатлар давомида шу нарса маълум бўлдики, томошабинлар ўзбек миллий санъатининг янги кирраларини кашф этиб, қалбий сокинликни ҳис қила олганлар. Бундай эътирофни эшитиш биз учун фахрлидир.

Дарҳақиқат, миллий мумтоз санъатимиз кўпларининг кўнглига йўл топа олганлиги, миллионлаб юракларни забт этганлиги барчамизга маълум. Шу боис фестивал ташкилотчилари ушбу жамоанинг профессионалик даражасини юқори баҳоладилар. Кўпчилик томошабинлар эса тиллоранг заррин ипақлар билан безатилган либосларимизнинг мафтунлиги бўлганликларини таъкидладилар.

Шу ўринда фестивалнинг яна бир иштирокчиси - «Фарход» маданият саройининг яққохон хонандаларидан бири Сухроб Кенжаев ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Сухроб тантанали тадбирда ёшу қарининг қалбидан бирдек жой эгаллади. Дунё халқлари кўшиқларидан иборат кенг репертуарга эга бўлган ёш санъаткор ўзининг сехрли овози билан тингловчиларнинг меҳрини қозонди. Дарвоқе, бу биз учун қутилмаган янгилик эмас эди. Чунки Сухроб Кенжаев «Витебскдаги Славян бозори» халқаро фестивали лауреати, Ялтада ўтказилган «Қора денгизда» халқаро фестивалининг Гран-при соҳиби, Италияда бўлган халқаро санъат фестивали лауреатидир. Табиийки, ушбу фестивалда ҳам Сухробнинг мухлислари кўпчилигини ташкил этди — концертлардан сўнг у кўп вақтини дастхат сўровчиларга бағишлади.

Ҳамюртларимиз фестивал доирасида Эстрада театрида Екатеринбург шаҳридаги Лавров номи маданият саройида, Асбест шаҳар Горкий номи маданият ва истироҳат маркази сахнасида, уруш фахрийлари госпитали маданият марказида ҳам бўлиб, концерт дастурларини намойиш этдилар. Бу ерларда ҳам иштирокчиларимизни алоҳида меҳр ва туганмас олқишлар билан қабул қилдилар, репертуарларини эса жуда юксак баҳоладилар. Навоийлик санъатсевар ёшлар екатеринбургликлар қалбига ўз куй, кўшиқ ва рақслари билан Ўзбекистон табиатининг ёрқин рангларини, миллий фольклоримизнинг бетакрор оҳангини, жануб куёшининг қайноқ тафтини олиб киришга муваффақ бўлдилар.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА.

Жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлмиш Бухоро шаҳрининг қиёфаси мустақиллик даврида бутунлай ўзгариб кетди. Бугунги кунда қадимий шаҳар осмон остидаги очик музейгина эмас, республикамизнинг энг йирик вилоятларидан бирининг санаот инфратузилмаси ривожланган маркази ҳамдир. Бундан ташқари, Бухоро - кенг кўчаларга, замонавий турар-жойларга, олий ўқув юрталари ва коллежлар, тиббиёт муассасалари, стадион, дам олиш масканлари, меҳмонхоналарга эга шаҳар.

Бухоро ширин-шакар тарвузлари ва мевалари, пахтаси ва галласи билангина машҳур эмас. Бу заминда дунёга машҳур қорақўл етиштирилади, кўпгина фойдали қазилмалар ва қурилиш материаллари олинади. Янги Бухоро нефт-газни қайта ишлаш корхонаси ишга тушгач, эса республикамиз нефт мустақиллигига эришиди.

Бухороликлар юртини, тарихини яхши билиб,

якши кўрадиган, бунинг устига ўта кўнгли очик, меҳмондўст халқ. Мамлакатимизнинг бирон-бир бурчагида обидалар бунчалик эъзозланмаса керак. Бухорода эса (шунга айтиб қўйиш лозимки, Бухорода юзлаб бундай обидалар бор) ҳар бир ёдгорлик эҳтиёткорлик билан қўриқланади, шаҳарнинг эски шаҳар қисми қўриқхонага айлантирилган.

Қадим-қадимлардагидай, Бухорода куллар ва ўймакорлар, ганчкор-

Қадим ва навқирон

ниҳоятда масъулият билан ёндашиб, ўзлари тикаётган чопон, қўйлак, дўппи ҳамда пойфазаларга ўз меҳрини беради. Бундай байрам либосларини кий-

ган келин-куёвларнинг юзларидаги қувонч шундан бўлса керак?!

...Кузнинг мана шу илиқ кунларида Бухорода сайр қилишга нима етсин! Шаҳар Шарққа хос тарзда жуда эрта уйғонади. Куёш нурларида табаррук обидалар нақшлари ял-ял ёниб туради, ёш оналар фарзандларини боғчага кузатаётган, каттароқлари ўзи мактабга шошаётган бўлади.

«Шарқ ҳовлиқини билмайди». Бундай қараганда, шаҳар ўзининг одатдаги ҳаёти билан яшаётгандай туюлади. Лекин, аслида бундай эмас. Чунки қилинаётган барча иш - мис лагандаги чиройли безакми ёки кўпқаватли уйми - сабртоқат, ҳисоб-китоб, маҳоратни талаб қилади. Бухороликларга ана шундан буюрган-да ўзи!

Рустам ШАГАЕВ, Илхом САФАР, ҲАМАДА МУХБИРЛАРИ

БУХОРОНИНГ БАХТИЁР МАНЗАРАЛАРИ



ТЕННИС БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Жаҳон теннис мухлисларию мутахассисларининг эътибори шу кунларда мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳрига қаратилган. 14 октябрда бу ерда яна бир нуфузли мусобақа - Осий чемпионати бошланди.

Осий теннис федерацияси - ОТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга ҳозир Осийнинг 43 мамлакатидан аъзо.

Шуни таъкидлаш жоизки, ОТФ бу йил мазкур мусобақа ўтказишга бошлаганлигининг 30 йиллигини нишонлайди. ОТФ мамлакатимизда истиқлол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей-турнирда мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Қўтқа чемпионати Марказий Осийда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб уч йил давомида ушбу мусобақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

20 октябргача давом этадиган Осий чемпионати ҳам шулар жумласидан.

Маросимда сўз олган ОТФнинг ижрочи директори Ш.Утрапати Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлади.

Шундай қилиб, пойтахтимизда яна бир катта теннис байрами бошланди. Мусобақада қўтқамизнинг ўн беш мамлакатидан келган ракетка ustalари Осий чемпионлиги учун куч синашди. Беллашувлар аёллар, эркеклар ва аралаш жуфтликлар ўртасида бўлади.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдуррахмонов иштирок этди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, Озод РАҲАБОВ, ҲАМАДА МУХБИРЛАРИ.

Билиб қўйган яхши

СИМЛИ ТЕЛЕГРАФ

Симли телеграф такомиллашуви турлича кечган 1855 йилда инглиз ихтирочиси Д.Юз яратган ҳарф босувчи қурилма кенг тарқалди.

Тажрибали телеграфчи у билан бир дақиқада 40 тагача сўзни узатиш мумкин бўлган. Аммо бу тезлик ундан фойдаланувчиларни қониқтирмади, ва хабарни олдиндан қайд эта олувчи махсус қурилма яратишга тўғри келди. Бунга инглиз ихтирочиси Ч.Уитсон муваффақ бўлди. У 1858 йили Морзе алифбосидаги нукта ва чизикларга мос ҳолда телеграф қоғоз толасини уриб тешадиган қурилма-перфоратор яратди. Айни вақтда у узаткич лойиҳасини ҳам тайёрлаган эди.

Яна бир ихтирочи - Ситирус 1817 йили икки ёқлама диференциал шошилиночмома узатишни йўлга қўйди. Бунда хабарлашаётган икки томон бир вақтнинг ўзида ҳам хабар узатиб, ҳам қабул қила олиш имконига эга бўлган.

Битта телеграф линиясида кетма-кет биттадан ортиқ шошилиночмома бериш ёки қабул қилиш муаммосини француз муҳандиси Ж.Бодо ҳал эта олади. Европада асосан Бодо қурилмаси қўлланила бошланган.

ТОВУШНИНГ ҲАВОДАГИ ТЕЗЛИГИ

Товушнинг ҳаводаги тезлигини биринчи марта буюк олим И.Ньютон 1687 йили махсус формула асосида ҳисоблаб чиқарди. У товушнинг тезлиги ҳавода сониясига 280 метрга тенглигини аниқлади.

Тажриба эса бу тезлик учун сониясига 331,4 метр эканлигини кўрсатди. Гап шундаки, товуш тўқини тарқалаётган пайтда ҳавонинг қисилиши ва сийраклашиши туфайли ҳаракат ўзгаради. Бу ҳол Ньютон формуласида эътиборга олинмагани биринчи бўлиб олим П.Лаплас пайқади.

Шундай қилиб, Ньютон формуласига Лаплас формуласи бўйича ҳаводаги товуш тезлиги ҳисоблана, сониясига 331,6 метрга тенг бўлди. Бу натижа эса тажрибадан олинган натижага жуда мос келади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ташаббус



СПОРТ МАЖМУАСИ

лан шуғулланмоқда.

— Ҳадемай уларнинг сони 100 нафардан ошди, - дейди муассаса бошлиғи, ички хизмат подполковниги Муҳиддин Абдуллаев. — Ёшларга бўлган бундай эътибор аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Туман прокуратураси оталиғидаги Ҳўжа Бўстоний номи 1-мактаб жамоаси «Умид нихоллари» Фаргона турнирида III-ўринни олган бўлса, волейбол бўйича шу йил ўтказилган республика биринчилигида солибликни қўлга киритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прокуратура ва халқ таълими бўлими ўртасидаги яқин ҳамкорлик ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оши-

ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Сирдарё вилояти бўлими томонидан уюштирилган хайрия лотереяси «Маънавият-2» дея номланди.

Жами ютуқ миқдори - 45 миллион сўмни ташкил этган хайрия лотереясида 5 та бир миллион сўмлик, 10 та беш юз минг сўмлик ва бешка ютуқлар бор. Лотереядан тушган маблағлар ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларига сарфланади.

«Туркистон-пресс».

Ёшлар камолотига хизмат қилади

ришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Прокуратура ходимлари томонидан режа асосида мактабларда «Конституцияимизнинг яратилиш тарихи ва унинг манбалари», «Конституцияимизда инсон ҳуқуқларининг ўрни ва моҳияти» мавзусида ўтказилаётган суҳбатлар шулар жумласидандир. Айниқса, спорт тадбирларига ёшларни ҳар хил оқимлар таъсиридан сақлашнининг муҳим омилли сифатида қаралмоқда. Яқинда туманда «Фарзандлар соғлом оғир кудратли бўлур» шiori остида ўтказилган спорт мусобақалари ўз якунига етди.

Ҳомийлик ёрдами мактабларни дарсликлар билан таъминлашда ҳам яққол куриномқда. Яқинда 1-мактабга прокуратура ходимлари томонидан 68250 сўмлик ҳуқуқий китоблар совға қилинди. Шунингдек, 37 умумтаълим мактабининг қишки спорт зали тўлиқ таъмирлаб берилди.


Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

«МАЙИЗ САЙЛИ»

Хатирчи қадимдан ўзининг Учқора майизи билан машҳур. Тумандаги Кўксарой қишлоғи соҳибкор боғбонлар юрти. Шу боис бир қанча ташкилотлар ҳамкорликда ташкил этган «Майиз сайли» айнан Кўксарой қишлоғида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг қадимий анъаналаридан бири бўлган «Майиз сайли»нинг ўтказилиши соҳибкорларни қишлоқда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш, янги-янги тоқзор ва боғ-роғлар яратишга даъват этишини таъкидлади. 30 нафар соҳибкор боғбон ўзи етиштирган майизларини кўрик танловга тақдим этди. Танлов гоялибларига мукофотлар топширилди.

(ҲА).



Кизилтепа шаҳрида Ички ишлар вазирлигига қарашли муассаса туман прокуратураси билан ҳамкорликда ички хизмат ходимлари, аскарлар, ҳарбий хизматчилар, маҳалла ҳамда туман ёшлари учун мўлжалланган спорт-соғломлаштириш мажмуини барпо этди. Хайрият тадбир шу йилнинг бошида бошланиб, Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан мажмуининг биринчи навбати, яъни теннис корти, ёғи тренажер майдончаси, футбол, волейбол, баскетбол, кўпўли майдонлари, югуриш йўлакчалари халқаро андозалар асосида жиҳозланиб фойдаланишга топширилди.

— Мустақиллик байрами

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлиmlари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 00.25

Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тафс. Сўтувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.